

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● **Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги байрам қилишга тайёргарлик кўриш ва унга ўтказиш республика ташкилий қўмитетининг раиси, Бosh вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида ташкилий қўмитетнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.** Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда байрамга тайёргарликнинг бориши муҳокама этилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятлар вакилларининг ахборотлари тингланди.

● **Чустда янги темир йўл юк бекети ишга туширилди.** У қисқа муддатларда куриб битказилиб, бу ерда 277 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Янги темир йўл юк бекети хизматидан Чуст, Поп, Зедарё туманлари қорхона ва ёқилис фойдаланмоқда.

● **Оқолтин туманида қурилиш билан шуғулланган бирданга етти кичик қорхона иш бошлади.** Улар яқинда ер майдон олган тумандаги 8 минг нафарга яқин оила учун уй-жой куриб беришга киришмоқдалар.

● **Наманган вилоятида 700 та маиший хизмат қорхонасидан 450 таси ҳозирнинг ўзида давлат тасарруфидан чиқарилди.**

● **Икки ҳафтадан бери Тошкент вилоятининг Паркент туманида ананавий ёғи халқро аэрокосмос ва компьютер мактабининг машғулотлари давом этапти.** Бу йил бешинчи марта ўтказилаётган бу машғулотлар Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган. Мактабда Ўзбекистон ва Покистон турли шаҳарларининг мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрталарининг талабалари шуғулланиптилар.

Ўзгача нишонлаймиз

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан

• Байрамолди йўқламаси

Мустақиллигимизнинг икки йиллиги ташналарига тобора яқинлашиб келмоқда. Бу санага муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кетмоқда. Аҳолини сач жойлашган Шайхонтоҳур тумани ҳокими Аҳмаджон Мирзамов билан бўлган суҳбатимиз ҳам улур айёмга тарафдуд хусусида бўлди.

— Жонажон дийрмиз бугун ҳамқи қатори бизнинг туман меҳнатқиллари ҳам бу кунни ҳамма байрамлардан ўзгача нишонлашга аҳд қилдилар. — дея сўз бошлади туман ҳокими. — Биз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг байрамни муносиб кутиб олиш ҳақидаги қарорини ўзинида дастуриламал қилиб олганмиз.

Туманимизнинг бир қанча сановат қорхоналари бу санага атаб ўзларининг янги эсдалик оуом ва совғаларини тайёрлашга киришдилар. Булар «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш, «Шарқ гули», «Уста» бадий буюмлар ҳамда «Матюот» матбаачилик ишлаб чиқариш барлашмалари.

Байрамни уюшқоқли билан ўтказиш учун туманда ташкилий қўмитет иш олиб бормоқда. 17 кишидан иборат қўмитет аъзолари тумандаги ҳар бир қорхона, ташкилот, ўқув юрти, маҳалла байрам тadbирлари ўтказишига бош-қош бўладилар.

Шунга ҳам айтаб ўтиш жоизки, тумандаги бир неча янрик сановат қорхоналари байрамга атаб шу йил 14 август кунини шаъволий ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Буни тумандаги барча қорхона, ташкилот ва муассасалар қўлла-қувватлади ва шу кунни яқдиллик билан ҳашир ўтказишди.

7 августда ҳам «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш барлашмаларида ташнага аталган шаъволий бўлиб ўтган эди. Унда «Малика»дан 3200 киши қатнашди. Шулардан 2300 киши ишлаб чиқаришда иштирок этиб, 55 минг дона трикотаж маҳсулоти, яъни 35 миллион сумлик халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқарди. Ишчилар шу кун «Соғлом авлод учун» ҳайри жамғармасига 1 миллион 500



«Сафар» Фурнитура ва техника ижозлари ишлаб чиқариш барлашмасининг ҳар бир соҳадаги ишчилари сийдиқидан меҳнат қилишди. Айниқса электр хизмат ижозларининг назорат қилиш бўлимининг операторлари амалга оширавтган ишлар фикрини даъилдилар.

СУРАТДА: операторлардан (чапда) Докиёр Раҳмолов ва Маҳмадвали Яўдошевлар кичик ҳажимдаги дастгоҳларни қўздан кечиршимоқда.

Андрей Пиниенко сурати.

Республика ўқувчилар саройи қошидаги машҳур «Чаман» ўзбек болалар фольклор-рақс дастаси, Тошкент давлат цирк артистлари ва туман физкультура ва спорт бўлимига қарашли полковник гуруҳининг оммавий чиқишлари мустақиллик байрамини ўзгача файз, завқ-шаъқ бағишлайди.

* ХДП ташкилотларида СИЁСИЙ МУЛОҚОТ КУНЛАРИ

ЎЗБЕКISTON ХДП Тошкент шаҳар кенгашида партия фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги арафасида шахримиздаги барча бошланғич партия ташкилотларида улур байрамга бағишлаб сиёсий мулоқот ўтказиш мақсада мувофиқ деб топилди.

Бу тadbирни 24—25 август кунлари ўтказиш режаланмоқда. Унда халқ депутатлари, ҳокимликлар ходимлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа турли тармоқларда хизмат қилувчи раҳбарлар, ёзувчилар, энеллар ва ёшлар фаол иштирок этидилар.

Уларнинг ўз маърузалари билан чиқишлари ташкил этилади. Сиёсий мулоқот кунинида иштирок этувчи нотинч ўқувчиларнинг маърузалари, суҳбатларида мустақиллик байрамининг моҳияти, унинг кадр-қимматини қайд этиб, ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳалардаги олиб бораётган фаолиятлари ва ундаги вазият тўғрисида ҳам тўлиқ маълумот ва ҳисобот берадилар.

Жойларда бўладиган мулоқотларда Марказий Осиё ва Россия раҳбарларининг Москвадаги бўлиб ўтган учрашувлари ақувлари, унда қабул қилинган ўта муҳим ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятларини, айниқса, давлат раҳбарларининг Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги ҳозирги кескин аҳволини барқарорлаштириш бораидаги мувожазона ва баёнотлари аҳолига батафсил тушунтирилади.

Сиёсий кунда бугунги Ўзбекистондаги оёсийишлик, миллатлар тотувлигини асрашдаги ХДПнинг ўрни, шаҳар, туман кенгашиларининг фаолияти, уларнинг жойларда ҳокимликлар билан олиб бораётган саяё-ҳаранати, тинимсиз фаолиятига алоҳида яна бир бор тўхталиб ўтилади.

Нуршо ДИСОБОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг маърузаси бўлиши мударра.

АФГОНISTON ПРЕЗИДЕНТИ ВАКИЛИНИНГ ЎЗБЕКISTONДА БЎЛИШИ

14—17 август кунлари Афғонистон Ислам Республикаси Президентининг махсус вакили, армия генерали Абдурашид Дўстум бошчилигидаги расмий делегация Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

15 август кунини делегация Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қабул қилди. Самиянинг бу дўстона вазиятда ўта мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорлигини янада ги-вожлантириш ва кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистон делегацияси раҳбари самияни қабул учун минаядорлик билдирди ҳамда мамлакат Президентини В. Рабобийнинг Ўзбекистон раҳбарига йўллаган мактубини И. Жўрабековга топширди.

Шу кунини афғонистонлик меҳмонлар Ўзбекистон ташкил ишлар вазирини С. Саидқосимов қабулида бўлдилар. Суҳбат чоғида минтақадаги аҳвол, Афғонистон—Тожикистон чегарасидаги вазиятни яхшилаш, шунингдек, икки томонлама муносабатлар ривожига оид масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Ташкил ишлар вазирининг тожикистон афғон чегарасида асирга олинган чегарачиларни тезроқ озод қилиш зарурлиги ҳақида баёнот берди.

А. Дўстум асирларни озод этиш юзасидан барча чоратadbирларни қўришни маълум қилди.

Сафар чоғида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари И. Жўрабеков қабулида бўлдилар. Ташкил иқтисодий алоқалар, Энергетика ва электрлаштириш, Мелиорация ва сув ҳўжалари вазирликларига, «Узавтйўл» давлат концернини ва республиканинг бошқа муассасаларида музокара олиб борадилар.

Афғонистонлик меҳмонлар сафар давомида республика ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Зиёмов ҳамроҳлик қилди.

Даммага маълумки, биз яқинда «Исомобод» маҳалла марказини очган эдик. Аини пайтда у ерда тўй-ҳашамлар ва бошқа ҳар хил тadbирлар ўтказилиб турибди. Туман ҳокимлиги бундан буюн ҳам бундай ишларга катта эътибор бераверади. Масалан, байрам арафасида ҳамшаҳарларимиз «Олмасиз» маҳалласида яна шундай марказ очилишининг гувоҳи бўлишди.

Аҳмаджон ака, умуман туманда мустақиллик кунини байрам ташналарига қарда ва қандай ўтказилади?

— Тантана туманимизнинг Анҳор бўйи, Шоанлар хиёбони, Ион Сино мавзеси ҳамда Оймаъна богида ўтказилади. Аини пайтда бу ерлардаги тadbирларни ўтказишда аниқ режа ишлаб

бирлашмасининг моҳир усталари тайёрламоқдалар.

Шунини аҳамиятга молиқки, кун қўниб турадиган доира кечалари ҳам ундан ерғулик таратиб туради. Бу демек яхшилик рамази бўлиши афсонавий Семурз Ўзбекистонга еруғлик, озодлик олиб келаётганининг тинимсизлидир. Бундан ташқари буюк саркарда, адолатпеша, санъатсевар шоҳ, улур аждодишим Амир Темур ва жаҳонини лол қолдирган ўзбек мунажжими Мирзо Улуғбекларнинг тайёрланаётган ҳайкаллари ҳам энг гузал миллий обидалардан бўлиб қолади. Ве-Варамининг марказ бўладиган Мустақиллик майдонига ҳам ҳозир катта қурилиш ишлари кетяпти. Майдонга худди ўтган йилдагидек 8.600 кишилик жой қилиняпти. Ўзбекистоннинг табиат манзараларини кўрсатувчи кечалари ҳам чароғон бўлиб турадиган панно тайёрланипти. Бундан ташқари Амир Темур ҳайкали атрофига буюк соҳибқироннинг ҳижматли сўзлари ўрнатилади. Худлас, қилинадиған ишлар кўп. Юқоридаги барча ишлар 25 августга қадар тугалланиши мўлжалланган.

Учрашув бошланғичга бир неча соат борлигига қарамай ҳақиний футболни соғиниб қолган мухлислар «Пахтакор» ўйингоҳи томон оқиб кела бошладилар. Айниқса, Голландиядан ташриф буюрген бир гуруҳ иккибозларнинг улур сағига келиб қўшилиши ўйингоҳ узра ўзгача байрам руҳини янада ошириб юборди.

Ўйингоҳга йиғилганларини, меҳмонларини Тошкент шаҳар Хокимининг ўринбосари, «Пахтакор» клуби президенти Шўхрат Жалилов ва АЕС фирмаси президенти Карел Аалберс муборакбад этидилар. Шундан кейин футбол томошаси бошланди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ ҳар икки жамоа ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қила бошлади. Учинчи дақиқада Шўхрат Мақсудовнинг тўпга тўпи «Витесс» дарвозаси тўсинга тегиб қайтган голландияликлар ҳам хужумга эёр беришди. Чап ка-

данлий маркази директори Т. Саксонбоевлар сузга чиқдилар. Абдулла Орипов Хокима Аҳмад Исванга бағишланган «Вургут қиммати» деб номланган янги шеърини китобхонлар диққатига ҳавола қилди.

Ҳар бир тadbирни мунажжис тасаввур этиш қийин. Ушбу байрамда ҳам санъаткорларга навбат берилиб, китобхон мухлисларнинг қўнгиллари ҳўшуд этилди.

Ўтқаржон ДўСТУРОД.

ЯХЛИТ ҲОЛДАГИ САЙИЛГОҲ

— Пойтахтин байрамона ташки беша дойиқлари республика байрамга тайёргарлик ташкилий қўмитетини, шаҳар ҳокимлигида куриб чиқилиб, бандирилган фирмулоҳаза ва таклифлар инобатга олиганини ҳўда ишлар бошлаб юборди. — дейди Рафаэль ака. — Асосий режаларимиз шундан иборатки, Амир Темур хиёбонидан то «Туркистон» маданият марказигача бўлган худуд яхлит ҳўда битта сайилгоҳга айландиб кетади. Бинобарин «Туркистон» маданият мар-

ЯХЛИТ ҲОЛДАГИ САЙИЛГОҲ

кази атрофига ҳам анчагина беша-бодончилик ишлари амалга оширилади. Унинг олдига ёзи театр қуриляпти. Энг муҳими, бу ерда улкан афсонавий Семурз қўшини ўрнатишга тайёргарлик ишлари ҳозир аини қизган пайт. Унинг қизил мраммардан иборат таглиги, зангламайдиған пўлатдан қилинған узун колонна ва қўш қўни турадиган рамази доира (уларнинг умумий баландлиги 10 метр бўлади)ни В. П. Чкалов номидаги Тошкент амвасозлик ишлаб чиқариш

ФАХРИЙЛАР ҲИСБОТИ

ЎЗБЕКISTON Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги байрам олдидан Чилонзор тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши фаоллари йиғилиши ўтказилди.

Туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Гафур Каримов кенгашининг ирм йиллик иши тўғрисида берган ҳисоботида уруш ва меҳнат фахрийлари, Улуғ Ватан уруши, афғон уруши, жағларига ҳалоқ бўлганлар оқдалари ва эътиролла-

тиқ партиясини туман кенгаши кўмагида «Маданият», «Мевазор» маҳаллаларида яшовчи собоқ ўқувчилар билан 103-мактаб гимназияси ўқувчиларининг «Икки авлод учрашуви» ўтказилди. Елғиз, биринчи гуруҳ ногиронлари ва кўп болали, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилди.

Фаоллар йиғилишида иштирок этганлар қизилқан оқдаларига жавоблар олдилар.

Валентина АПАСОВА.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Тожикистон — афғон чегарасидаги вазият билан танишиш мақсадида кеча Душанбеге яқинда Россия чегара қўшинларининг қўмондони этиб тайинланган генерал-полковник Андрей Николоев келди.

● Тожикистон ҳолис инятини намойиш этиш мақсадида бугун Қўйи Панж деб номланган жойда турли вақтда чегарада қўлга туширилган 12 нафар афғон ҳарбий асирини Афғонистон томонига топширишга қарор қилди.

● Россияда сановат ишлаб чиқариш ҳажми июль ойида июлдагига нисбатан уч фоиз кам бўлди. Енгли, ўрмон, ағчи қайта ишловчи ва целлюлоза-қоғоз сановатида эса бу кўрсаткич 25 фоизга өтди.

● Озарбайжон — Арманистон мижорасидаги вазият кескин нуктасига өтди. Арманистоннинг кенг қўлмали ҳўжумлари натижасида сўнгги вақтда улур 20 тадан кўпроқ кишлоқни босиб олдилар. Физулий шаҳри амалда уч томондан ўраб олинган.

● Қозғонистонда турк тилини «ўрганиш бўйича дастлабки ўқув курси ишлаб бошлади. Истанбул тижорат уюшмаси маблағи ҳисобига Алматы шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган бу ўқув курсида Олий Кенгаш, вазирликлар ва бошқа давлат муассасалари ходимларидан 50 киши турк тилин ўрганишга киришди.

● Тожикистон Олий Кенгаши ва ҳўкумати пул қадрсизланиши, нарх-наво кескин ошиши муносабати билан республика ҳар бир фуқаросига озиқ-овоқ маҳсулотларини сотиб олиш учун 1700 сумдан ёрдам пули ажратишга қарор қилди.

● Ашгабадда Туркменистон Президентини Сапармурод Ниязов билан Грузия раҳбари Эдуард Шеварднадзе тайёрланган 25 ҳўжатни муҳокама этиб, уларнинг аксариятини имзола дилар. Улар орасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва бошқа ҳўжатлар бор. Грузия томони өтказиб берилган газ учун Туркменистондан 115 миллион АКШ доллари миқдорини қарзини ўзинга ҳам ваъда берди.

ХОРИЖДА

● Босния сарблари, хорват ва мусулмонлари Женевада давом этаётган уч тарафлама музокараларда Босния ва Герцеговинанинг пойтахти Сараево мақоми ҳақида бир битимга келдилар. Бу уч томон вакилларидан иборат бўлган қўмитет шаҳарнинг янги маъмурияти тўғрисида бир битимга келгунларига қадар Сараево Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш қўмитети назорати остида бўлади.

● АКШ Президенти Булл Клинтоннинг Арманистон Президентини Левон Тер-Петросянига йўлаган мактубида «Арманистоннинг ҳафсизлиги ва иқтисодий истиқболни Тоғли Қорабоғдаги таглиқлик хал этишга боғлиқлиги» таъкидланади.

● Югославия ҳўкуматининг бошлиғи Радован Кочич Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бosh котиби Бутрос Фолгиға йўлаган мактубида БМТнинг Хафсизлик Кенгашида Югославияга нисбатан халқро ҳажмаият томонидан белгиланган жаза қораларини бекор қилишни илтимо қилган. Мактубда Югославия томони унга қўйилган барча шартларни баъқаранглик кўрсатилди.

● 19 сентябрь кунини Польшада миллий кенгашига сайловлар бўлиб ўтди. Мамлакат сейми ва сенатига ўз вакиллари ўтказиш учун 23 сиёсий партия куруш бошлади. Улар ўз дастуриларини тарғиб этишлари учун ҳаммаларига телевидение ва радио орқали бир хил вақт бепул ажратиб бериладиган бўлди.

● Қаҳва ишлаб чиқарувчи мамлакатлар кенгашида уларнинг ҳар бир қаҳва экспорт қилишни бешдан бир баробар қисқартиришга келишиб олди. Бунинг натижасида тўп-лениб қолган захирани эҳтимол кўтиляётган қаҳвага нарх оширилишидан сўнг сотиш кўзда тутилмоқда.

КИТОбХОНЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда Алишер Навоий номили миллий кутубхонада Хокима Аҳмад Исваний хотирасига бағишланган китобхонлар анжумани бўлиб ўтди. Кеначин, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирини Э. Ҳайитбоев кириш сўзи билан өтди. Анжуман давомида Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Навоий номили миллий кутубхонанинг директори И. Алимов, республика маънавий тарғибот ишлари ма-



Тошкент шаҳар маиший урнотини махсулотлари ишлаб чиқарадиган қорхона жамоаси шу кунларда фидойилик кўрсатаётган ишчилардан бири. У кунини топшириқларини ортин билан адо этиб, ҳаммасебаларига ўрин бўлмоқда.

Абдуваҳид Туроев сурати.

Херберт НЬЮМОН: «ПАХТАКОР» ҲИЙИНЧИЛАРИ МЕНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРДИ»

Учрашув бошланғичга бир неча соат борлигига қарамай ҳақиний футболни соғиниб қолган мухлислар «Пахтакор» ўйингоҳи томон оқиб кела бошладилар. Айниқса, Голландиядан ташриф буюрген бир гуруҳ иккибозларнинг улур сағига келиб қўшилиши ўйингоҳ узра ўзгача байрам руҳини янада ошириб юборди.

Ўйингоҳга йиғилганларини, меҳмонларини Тошкент шаҳар Хокимининг ўринбосари, «Пахтакор» клуби президенти Шўхрат Жалилов ва АЕС фирмаси президенти Карел Аалберс муборакбад этидилар. Шундан кейин футбол томошаси бошланди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ ҳар икки жамоа ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қила бошлади. Учинчи дақиқада Шўхрат Мақсудовнинг тўпга тўпи «Витесс» дарвозаси тўсинга тегиб қайтган голландияликлар ҳам хужумга эёр беришди. Чап ка-

гармеда. Биз ҳар икки командада мураббийлар билан суҳбатлашдик.

● Херберт Ньюмон, «Витесс» жамоасининг бosh мураббийси: Очинг Ўзбекистонда шундай ақойиб, тақорланмас жамоа борлигини ҳаёлимга келтирмаган эдик. «Пахтакор»нинг барча ўйинчилари, айниқса, М. Қосимов, Ш. Мақсудов, Н. Ҳасановлар маҳорати мени ҳайратда қолдирди. Ўзбек футболни тезкор ҳўжум, жипслашган ҳимояга асосланган экан. Менга эса бундай футбол жуда ёндади.

● Баҳодир Иброҳимов: «Пахтакорнинг бosh мураббийси: Бугунги учрашув ҳақида ҳўло-сана натижага қараб чиқаришмаслиги лозим. Гарчи биз мўлбаилга учраган бўлсак-да унинг ҳозирга хорикий тажрибаси йўқ «Пахтакор» учун нақадар катта мактаб бўлишини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Шўхрат АРМОН.

«ШАРҚ гули» бадиий буюмлар бирлашмаси директори Саида Ганиева билан бу гапни сўзлашганимизни ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллик байрамига қорхонада қандай тайёргарлик бораётганини билан бошладик.

— Миллий байрамимизга пухта тайёргарлик қўйилган, — дейди директор. — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги қўнғининг иккинчи йиллик байрамига қорхонада қандай тайёргарлик бораётганини билан бошладик. Комитет аъзолари биргаликда қатор тадбирлар режасини ишлаб чиқишди. Шунга қўра мустақиллик кунига биз бир қанча янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бу маҳсулотлар сони ҳозирги ҳисобларга қўра 21 тага етди. Ушбу рақам талабга қўра яна ошши ҳам мумкин. Байрам тантаналарида қатнашиш учун чет эллардан келадиган меҳмонларни ҳисобга олиб кўпроқ эсдални маҳсулотлари тайёрлашга эътиборни қаратялми. Бундай соғва буюмлар жумласига сўзана, палак, чўст ва ироқи дўппилар ҳамда бошқа маҳсулотлар кирди. Умуман қорхонамиз бўйича байрам соғва сифатида 12-15 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ҳозирча улардан бир нечасини ишлаб чиқаришга киришдик. Айниқса улар орасида «Тошкент — Ўзбекистон» ёзуви туширилган сўзана ва ироқи дўппилар бежиримлиги билан арибли туради.

Ишлашни хоҳлаган имкон топади

ҚўЛ КЕЛАЁТГАН ТАЖРИБА

— Саида Исмомлова, қорхонада иккинчи чорак якулари қандай ижроланганини ҳақида ҳам ташириб берсангиз?

— Олти ой давомида биз 573 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрладик. Шундан 103 миллион сўмлик соф фойдалар. Албатта бу ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Бозор иқтисодиёти қорхонага ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Лекин қўл қовуштириб ўтирмадик. Илаҳидик, тўла қувват билан ишлаш учун имкон қидирдик. Бунинг учун аввало қорхонада ўтмас матоҳ бўлиб қолган буюмларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш унинг ўрнига харидорларини тайёрлашни йўлга қўйдик.

Иккинчидан, қорхонада техника янгиланганга кенг ўрин берилди. Шу мақсадда Япониянинг «Чори» фирмасидан келтирилган машиналар, Германиянинг «Эингер», Украинанинг ҳар томонлама қўлай бўлган «Киев» машиналари цехларимиздан ўрин олди. Бундан ташқари миллий дўппи ва сўзанабини тикишда электрон ҳисоблаш машиналаридан ҳам унумли фойдаланадиган бўлдик. Улар ёрдамида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Дастлаб сўзана ва палакларнинг янги нусхалари тикилди. Қўрдикни, изланишларимиз аёе кетмапти. Кейин болалар ва аёллар учун мавсумий кийим-кечаклар тикишга киришдик. Санаб курсак аз фурсатда 72 хил янги маҳсулот тайёрлашни ўлаштириб оляймиз.

Муваффақиятга қорхонанинг попоц, тикув ва бичув цехлари катта улуш қўшишди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирилар маҳкамасида яқинда бўлиб ўтган йилги мақсадга — иқтисодий ислохотлар натижа-сида халқ ҳўжалиги тармоқларини бозор иқтисодиётига ўтказиш борасидаги амалга оширилган ишлар ҳамда ҳоржий тадбиркорлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўша қорхоналар сонини ошира бориб, жаҳон бозорига чиқиш йўлларини белгилаш ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилди. Бу борада сизларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Йилгидада нутқ сўзлаган Президентимиз Ислом Каримов иқтисодий ислохотнинг амалга оширилиши ҳамда республика халқ ҳўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якулиларини муҳоама қилар эканлар, раҳбарнинг вафосида замон билан ҳаммадан бўлиш, одамларга ишлаб, даромад олиш учун шароит яратиб бериш, шу йўл билан уларнинг моддий фаровонлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Айниқса юртбошимизнинг ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибаларини ўрганмоқ ҳақидаги тақлифлари биз санаотчиларга кўпроқ таваддуқлиқлар. Шу нуқта назардан қараганда қорхонамиз меҳнат аҳли ҳам қатор тадбирларни амалга ошираётганини кўриб ишонч бияан айтишим мумкин.

Ҳозир бизда ҳам жаҳон бозори маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган буюмларимиз кам эмас. Масалан, айтилик, қайси бир сўзана, палак ёки дўппиларимизни чет элликлар севиб харид қилишмайди дейсиз. Аммо улар ҳали бизга чегара бўла олмади. Шунинг учун чет элликлар билан ҳамкорлик қилишни кучайтирялми. Жумладан, Эрон, Голландия, Америка, Жанубий Корея, Хитой ва Покистон билан ўзаро алоқаларимиз ривожланмоқда. Улар билан ҳамкорликда ишлашнинг турли-туман режалари тузилмоқда. Шу ўринда ҳамкорлик ҳақида гап кетар экан, унинг икки томонлама фойдали эканлигини алоҳида аҳамият берилиши таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳамкорлик бизга ҳамда қорхонамиз билан ҳаммафас иш-лаётган ҳоржий қорхонага ҳам яхши натижа келтирсанига бу усул амалда фойдали ҳисобланади. Акс ҳолда эса қўзланган натижага ёришмай қўлиш ҳам мумкин.

Яқиний мудоао эса битта. Ҳадеб, бозор иқтисодиётининг ўткинчи қийинчиликларидан нолиб ўтиривермай ундан кўтилин йўлларини излаш, илгорлар тажрибасидан ўрганиш, замонавий техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тинимсиз ҳаракат қилиш керак бўлади. Ахир ота-бобларимиз излаган имкон топади, деб бежиз айтмаганлар.

Сўхбатдош Маҳмуд ОРИПОВ.



«Экспериментал» институтига қаршли «Мунтазир» ички қорхонасининг фойдали кирсатётганига ҳали кўп вақт бўлган йў. Лекин шунга қарамай жамоа халқимизга хизмат кирсатиш борасида ўз меҳнатларини аяматирлар. Улар саргардонликдан тортиб гўзаллигини барча сир-асрорлари бўйича шаҳримизнинг маркази ва унинг турли бурчакларига транспортлар қатнови йўлга қўйилган. Улар мунтазам ҳаракатда бўлиб, йўловчиларнинг узогини яқин қилиб туртирди. Шундай катта бекат бир нечада бўлиб ташланди. Унинг атрофидаги дўконлар, саргардонхона кўчирилди, улар ўрнида тепалик пайдо бўлди.

— Ироқидан аввалига бекат қайта тикланиб, фойдаланишга топширилса керак, деган умидда бу ердаги бунёдкорлик ишлари тезда тугалланб, транспортлар яна аҳоли хизматиға тахт туришига ишонч ҳосил қилинди. Аммо орадан кунлар ўтса ҳам қурилишда сийлиқ бўлмади. Ҳозир бу ерга келганлар ҳақиқи аҳолини қўриб, ҳайратга тушилади. Ҳаммасида ҳам йўловчиларнинг сарсон-саргардон бўлаётганини айтмайсизми? Улар авто-

«Бугунги Ўзбекистон тўғрисида кўп гапиряпти ва ёшайпти. Бу сўзларнинг аксариятининг самийи ва чин дилдан айтилаётганини, мустақил республикамизнинг янада гўллаб-яшнашига билдирилган самийи қалб из-ҳори эканлиги албатта қалбимизга қувонч бағишлайди. Лекин биз, тошкентликлар учун шаҳримизга ташириб буюрган меҳмонлар бу ерда ўзларни билан кўрган воқеалардан қувонганликларини кўриш айниқса йқимлидир. Улар вақтинча қийинчилик нечаётган айни шу кунларда ҳам халқимизнинг меҳмонларини кўриш очиб кўтиб олаётганини, улар олдиға чаройли дастурхонлар ёшайтгани, улар билан чин дилдан сўхбат қўраётганиликларидан ҳайратга тушмоқдалар.

ЮЮРИДА айтилган ана шу гапларнинг ҳаммасига «Оқиш» газеталари тахририятининг ходимлари Москвадан келган меҳмонларни — Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси элчихоналари ҳамда «Вечерняя Москва» газетаси тахририятининг томонидан ташкил этилган «Сиз Ўзбекистонни биласизми?» таловни қўлиб-ларини ўзларининг азиз меҳмонлари сифатида қабул қилган чоғларида яна бир бор амин бўлдилар. Тарих ўқитувчиси, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, нафақахўр Василий Степанович Калачев, илмий-тадиқот институтининг мусаввир-ди-зайнери Надежда Ивановна Ерофеева, Россия Федерацияси Соғлиғни сақлаш вазирилик библиографик институ-тининг таржимони Оксана Ивановна Мехедова, шина санаоти илмий-тадиқот инсти-тутининг етакчи мутахас-сиси Сергей Григорьевич Горобец, «Вечерняя Москва» газетасининг бўлим муҳар-рири Марияна Васильевна Сидоренко, Ўзбекистон Рес-публикасининг Россия Фе-дерациясидаги элчихонаси маслаҳатчиси Фахриддин Ражабович Париевлар «Оқиш» тахририятининг қадр-ли меҳмонлари бўлдилар.

— Биз, москваликларни бирор нарса билан ҳайратга солиш осон иш эмас, — дейди О. Мехедова. — Биз-лар тез-тез турли шаҳарлар-да бўлиб тураемиз. Лекин мана Тошкентга ташириб буюрган меҳмондан бери ҳайра-ланганимизни ҳеч тўхта-олмайемиз. Биринчи навба-да унинг кишилари бизлар-ни мафтун этди. Мен си-нинг улкангизни фақатгина маълумотнома адабиётлари-дан, жумлал ва газеталар-да қиққа мақолалардан билар-дик. Танлов қўлиб-лари қа-ти-рида бўлганлигим нақадар яхши!

Ушбу таловни ўтказиш тарихи шундай. Эски таши-ларимиз — Ўзбекистон Рес-публикасининг Россия Фе-дерациясидаги факултада ва мухтор элчиси Юсуф

СОВИРЖОН туғи сменани топириб, хонасига йўл олган ҳам эдики, орасидан цех бошлиғи Абдулазиз ана Абдулхаев:

— Кейин менга ураб кетинг, сизда му-ҳим гапимиз бор, — деб қолди.

— Яхши гапми, ийқилиб, — мийғида кулимсирайди Собиржон.

— Ҳа. Бир масалада сиз билан маслаҳат-лашмоқчийдик, — деди бошлиқ.

Бошлиқ хонасида цехнинг кекса ва тажрибали устаси Клавдия Левинская, кўпчи-лик сир-асрорларини ипидан-итгисигача би-ладиган, нафақат цехнинг, балки қорхона-нинг оёққа туртишда кўп меҳнати сингган чарм сараловчи Итамол Ғуломов, чарм да-молловчи Хуснулла Гатътов ва чарм тор-туви Урнбой Маҳмамовлар ўтиришарди. Собиржон чеккадаги стулга бориб ўтирди.

— Биз, цех касоба уюшмаси комитети аъзолари яқдиллик билан сизни бригада бошлиғи этиб тайинлашга қарор қилдик, — деб гап бошлади Абдулазиз ана бошлиқ бил-дан. — Бинобарин, политехникумининг чарм технологияси бўлимида ўқиб, ишлаб чиқариш амалиётини цехимизда ўтадингиз. Тиришқоқ ва меҳнатсеварлигинизни инобатга олиб, ўқиниғиз тугагач, техник-технолог мута-хассислиги бўйича диплом олиншиғиз била-ноқ ишга тақлиф қилдик. Назаримда, ишон-чимизни тўлиқ оқладингиз, шундай эмасми?

— Жуда тўғри айтдингиз, — деди раҳбар-нинг гапни тасдиқлаб смена устаси Клавдия Левинская. — Собиржон ишга дастлабидан келган кунларидан ҳаракатчанлиги ва били-мига чанқоқлиги билан бошқа ёшлардан ажралиб туради. Уста бўлишига қарамай, бу меннинг вафизам эмас, деб қўл қовушти-риб ўтирмасди. Бирорта ишчининг йўқлигини билдирмасди. Мен бундай устага овоз бера оламан. Амминанми, Собиржон бригадир этиб тайинлангач, юмшоқ ва қаттиқ чарм ишлаб чиқариш бригадаси аннқ режа асосида иш юритиб, яна пешқадимлар сафидан ўрин ола-ди.

— Клавдия Яновлеванингни фикрларига тўлиқ қўшиламиз. Унга ишонса бўлади. Бу-нинг устига Собиржон хушмуомала ва кам-тарин йигит, — деди сўз олган Урнбой Маҳ-мамов. — Каттага хурматда, икчица изза-да у. Жамоамизга қўшилганига 19 йил бўл-ган бўлса, шу давр ичида бирон-бир киши-нинг дилини ранжитмаган. Мана шундай лабоз ҳалол, виждонан меҳнат қилдиган, одамларга қайишадиган инсоилар ишончи-мизни оқлайди.

— Демак, ҳамманингни фикри яқдил, шун-дайми? — дея Абдулазиз ана хонада ўтир-

шуда Кострома, Сиктивкар ва Россиянинг бошқа шаҳар-лари аҳолиси ҳам иштирок этди. Танлов ҳождийлари турли совриларини таъсис этдилар: «Ўзбектуризм» мил-ли компанияси Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хи-вага бешта ўқилма; Хи-вадаги гилмидўзлик комбинати иккинчи ўрини эгалла-ганларга мукофот тариқаси-да 9 та гилла топшириши ваъда қилди. Ўзбекистон Республикасининг элчихона-си, «Тошкент» қўшма қорхонаси, Ўзбекистон фах-рилар кенгаши, республика маданият ишлари ва халқ

«Оқиш» меҳмонлари

МОСКВАЛИКЛАР «РАҲМАТ» ДЕЙИШМОҚДА



Шундай қилиб, москвалик-лар «Раҳмат», тошкентлик-лар эса «Хуш келибсиз, дўстлар!» дейишмоқда!

Вохид ЭРАЛИЕВ.

СУРАТДА: Москвадан келган азиз меҳмонлар (чап-дан ўнгга) — В. Ерофеева, Ф. Париев, О. Мехедова, М. Сидоренко, В. Калачев ва С. Горобец. Виктор Багаев сурати.

Меҳнатини — зийнати

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН

биласиз-ку! Сиз бугеёнга хотиржам бўлаверинг. Агар бирор масалада қийинчилик пай-до бўлса, бизга айтиверинг, сизга доимо на-марбостамиз. Буни асло унутманг.

...Шу-шу бўлди-ю Собиржон бултурдан бери бригадирликни бемалол уддалаб кела-пти. Бунда унинг ўта саводли, тадбиркор ва қўл остидагиларга самийи муносабатлиги жуда қўл келаяпти. Натигада 2-кўчилик қорхонаси пардозлаш цехининг юмшоқ ва қаттиқ чарм ишлаб чиқариш бригадаси жа-моаси ойлнк режаларини мунтазам равишда ошириб бажармоқда. Бунда бригаданингни кек-са ва тажрибали ишчилардан Мушарраф Шаропова, Хуснулла Гатътов, Урнбой Маҳ-мамовларнинг умуммуваффақиятга қўшаёт-ган ҳўсралари катта бўлмоқда.

— Мўсомалада ҳам гап кўп экан, — дей-ди Собиржон. — Айниқса бизнинг қорхонада бу нарса мўҳим аҳамият касб этади. Чунки айни сараятда ҳарорат кўчада 40 даража бўлса, цех ичида 50 даражага кўтарилади.

бусларнинг тўхташ жойини қи-дириб беҳуда вақт сарфлашяпти. Чунки бу ердан қатнович транспортларнинг муқим тўх-

Шаҳар транспортти муаммолари йўқолган БЕКАТ

таш жойи белгиланмаган. Ҳай-довчи қаер қўлай бўлса ўша ерда машинасини тўхтатаверади. Яқинда биз ҳам шу бекатда

дамлиримиз ҳам ажойиб тарзда ташкил этилди. Биз-лар амалий санъат музейи-да бўлдик. Тошкент бўйлаб сайр қилдик. Бизларни энг яхши «Ўзбекистон» меҳмон-хонасига жойлаштиришди. — Ишлар, фавворалар, озодални, кўзни қувонтири-диган аҳқиллик биринчи навбада кўзга ташланади, — дейди С. Горобец. — Бу манзараларни беқийтёр Москва билан қиёслашмай ва тошкентликларга ҳавасим келаятганини тан оламан. Умуман олганда мен бундай танловларда қатнашавериб тажриба орттирган кишиман. Уч йилдан бери «Вечерняя Москва», «Московский ком-сомолец», «Красная Звезда» газеталарининг турли тан-ловларида қатнашиб кела-ман. Лекин бу гапни танлов ташкил этилиши жиҳатидан ҳам, саволлар мавзунинг ранг-баранглиги билан ҳам шу турдаги танловлардан анча нуфузи баланд туради.

— Мен ушбу танловда қўлиб чиқишимни билар эдим, — деб табассум қила-ди В. Г. Калачев. — Чунки меннинг рафиқам шу ерда, Тошкентда таваллуд топган. Шу бонсдан ҳам кўпчилик саволларга мен асло қийнал-масдан жавоб бердим. Чун-ки мен Тошкентни у ҳақда-ги ҳикоялардан яхши билар эдим. Бундан ташқари бун-дан бир неча йил муқаддам Тошкент шаҳрига келиб кет-гандим.

Шу ойнанги йигирманчи кунларда «Сиз Ўзбекистон-ни биласизми?» таловининг қўлиб-лари республикамиз бўйлаб қилинган туристик саёҳатдан Москвага қайтиб бордилар. Улар шу ойнанги охирида Ўзбекистон Муста-қиллигининг икки йиллиғига бағишланган тантанали бай-рам йиллиғида Ўзбекистон ва Россия элчилари томони-дан лутфан тақлиф этил-ганлар. Элчихонада бўлиб ўтадиган ушбу йиллиғида «Россия — Ўзбекистон» дўстлик жамиятининг тақди-моти бўлиб ўтади. Россия халқ артисти Ирина Архи-пова ана шу жамиятининг президенти этиб сайланган.

Президентимизни г яқинда чиққан Фармо-нда ҳўналди ҳисоби-даги қорхоналар ва ташкилотларга ўз хо-диmlарининг иш ҳақи даражасини ошириш учун даромад манба-ларини яқинлаштириб берган бўлсада, ийери-мизда ўзоқни қўзлаб, сабр-бардош билан бо-зор иқтисодиётига бо-сқичма-босқич ва багар-тиб ўтиш йўли билан амалга оширилмоқда. Ўтиш, ўзгартиш даври-нинг қийинчиликлари-да ҳар бир инсонни иқтисодий ҳимоя қи-лиш давлатимизнинг бош вазифаси бўлиб турбди.

Яна шунинг айтиб ўтиш керакики, бир-лашмада ишчи ва хиз-матчиларини иқтисодий ҳимоялаш учун бошқа ишлар ҳам амалга оши-рилмоқда. Масалан, қорхона ўтган йилнинг ўзида шу мақсадларга 16 миллион сўм сарф-лади. Саваторий ҳам-да бошқа дам олиш масканларига бориш учун бу ерда ишчи ва хизматчилар йўлла-ма қийматининг 15 фоизинингиза тўлашди холос. Ундан кейин ишчилар фақат қор-хонада мавжуд йўллан-малардангина фойда-ланишмайди, балки ишчи ёки хизматчи то-монидан йўлланма то-пиб келинса бас. Ҳа-ражатларнинг асосий қисми касабга уюшма-си томонидан қоплана-ди.

Ғулом ЮСУПОВ.

Ҳашар уюштирилди

ЧИЛОНЗОР тумани соғлиғини сақлаш бў-лими ва «Саломатлик» маркази ходимлари иш-тирокида Ўзбекистон Республикаси муста-қиллигининг икки йил-лиғи олдидан ҳашар уюштирилди.

Биргина 10-болалар юкүмли касалликлар шифохонасининг жа-моаси шанбалинда Халқлар дўстлиги шох-кўчасининг икки томо-ни, шунингдек шифо-хона ҳудудини тозалаб, тартибга солиб, ободон-лаштиришди.

— Байрам муноса-бати билан ташкил этилган ҳашар уюш-қилиш билан ўтди, — дейди туман соғлиғини сақлаш бўлими муди-ри Алишер Нурмуҳа-медов. — Бу улуг ай-ёмга барча шифохона-ларимизда пухта та-раддул қўриляпти.

Исмомил ЗОИРОВ.

ШАРТНОМА АСОСИДА

ЯҚИНДА поездларда йў-ловчиларга хизмат қўра-тишин янада яхшилашга қар-атилган қўшимча тадбир-лар ишлаб чиқилди. Ана шу режалар жаммуасига муво-фиқ йўловчилар вагонлар-ни мукамал созлашга ҳам киришилди.

Бундай мураккаб таъмир-лаш жараёни билан Тошкент тепловоз созлаш заводи меҳ-нат аҳли яқиний шугуллан-моқда. Йўловчилар вагон-ларини яроқли ҳолатга кел-тириш жараёни келгусиз йи-ли ҳам давом эттирилади. Шу сабабли қорхона истиф-болни йўлаб завод ҳўзурида технологлар гуруҳини ту-зишни режалаштирди.

Мазкур гуруҳ ишлаб чи-қаришни ташкил этиш би-

лан боғлиқ қатор ҳужжат-ларни расмийлаштириш, сарф қилинаётган материал-лар мийдорини аниқлаш бил-ан бевосита шугулланади. Бундан ташқари қорхона не-ғизда ёрдамчи цехларни бичиш бўлиб тугатилади. Қозон-лар, турли электр жиҳозла-рини созлаш билан шугула-ланидан ҳам цехлар истиф-болни билан боғлиқ ҳужжат-ларни тайёрлашда ҳам техно-логлар гуруҳининг хизмати катта бўлади.

Завод Харьковдаги «Гид-роавотранс» институти бил-ан ҳам шартнома имзола-ди. Ана шу келишуга би-ноан ҳисоб-итибоб ҳужжатла-рини тайёрлаб беради.

Ақбар АЛИЕВ.

Шу йилнинг 13 майда Тошкент шаҳар Ҳокимияти А. И. Фозилбеков «Тошкент шаҳар фаолиятининг 1993 йил 20 февралдаги йилги ҳаёти ҳақида» қўйилган ҳалқ дружиналари ва жамоат тартибини сақлаш жамоатчилик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қарорни қабул қилган. Ҳўш, бу борадаги ишлар қай йўсинда боради? Бизнинг Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳуқуқ бўлигининг етакчи мутахассиси Нормамат Эркинович Собиров билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди.

— Нормамат ака, қўйилган ҳалқ дружиналари ва жамоат тартибини сақлаш жамоатчилик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорнинг чиққанга ҳам уч ойдан ошди. Шу вақт мобайнида шаҳарда қарор ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

ЖАМОАТ ТАРТИБИ ПОСБОНЛИГИДА

Қарор ва ижро

— Аввало, ҳар бир қарорнинг амалдаги кучи унинг ижро этилишига боғлиқдир. Маълум қарор ҳам ҳар бир туман ҳокимиятига юзлатилди. Уларнинг аксариятида ушбу қарорни бажариш борасида туман фаолиятлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, суд, ички ишлар идоралари, прокуратура ходимлари иштирокида кенгайтирилган кенгашириш ўтказилди, тегишли тадбирлар қабул қилинди. Туман ҳокимиятлари қўшиқ қарорроҳлар ташкил этилиб, ҳокимларнинг ўринбосарлари унга раҳбар этиб тайинландилар. Бундан ташқари, йиллик иш режалари, навбатчилик жадваллари тасдиқланди.

— Демак, амалий ишга қадам қўйилди. Жойларда қўйилган ҳалқ дружиначиларига қимматини ва қандай тартибда аъзо қилиб олишга аҳамияти бериляпти?

— Қўйилган гуруҳларнинг илгариги қўйилган ҳалқ дружиначиларидан фарқи шундаки, бунда кенг жамоатчилик фаолияти иштирокида асосда Тошкентда осойишталикни таъминлаш соҳасида фаолият кўрсатади. Шундай экан, қарорда кўрсатилганидек, отрядларда меҳнат жамоаларининг энг фаол вакиллари, ҳалол, қатъиятли, серғайрат, жисмонан бақувват кишиларни қабул қилишни мақсадимиз, деб биламиз.

Жисмоний бақувват бўлиши ва тартибузарлар билан кураш олиб бориш учун гуруҳ аъзоларини тайёрлаш мақсадида ҳар бир туманда яхтисослаштирилган спорт марказлари иш бошлаш арафасида турибди.

Шунингдек, жамоат тартибини сақлашга чиқадиган ҳар бир қўйилган мажбурий бўлган ҳуқуқий ва жисмоний кўриқдан ўтказганимиздан кейингина кўчалар, хибоблар ва бошқа жамоат жойларида навбатчиликка жалб этилди.

— Бу иш қайси жамоат ва туманларда яхши йўлга қўйилган?

— В. П. Чалов номидаги Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошавтомаш» ва «Тошкент шаҳар трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаларида олиб борилаётган ишлар диққатга лойиқ. Улар бу қарорни ижро қилишга ташаббуслар қилмоқдалар. Бу меҳнат жамоаларида тузилган қарорроҳлар асосий эътиборни гуруҳ аъзоларининг малакаларини ошириш, жисмонийлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва давлат мулкнинг қўриқлашга қаратмоқдалар.

Юнусобод туманида эса 15 та маъмурий ўрам чегарасида жамоат тартибини сақлаш марказлари ташкил этилган ва уларда 910 нафар қўйилган гуруҳ аъзолари фаолият кўрсатишмоқда.

Ҳамза туманида 12 та жамоат тартибини сақлаш маркази тузилган. Мирзо Улуғбек туманида ҳам ишлар яхши. Лекин кўпгина туманларда бунга жиддий киришилмаганини ҳам айтиш жоиз.

— Ҳозирги пайтда тузилаётган ва фаолият кўрсатаётган отрядларнинг хизмат хоналари билан таъминлаш қай аҳволда?

— Вуғунги кунда фаолият кўрсатаётган отрядларга ва қарорроҳларга бинолар ажратиш, телефонлаштириш, мебель жиҳозлари билан таъминлаш қўйилган. Туман ҳокимиятларининг қарорлари чиққан. Ўйлашимиз, бу жойларда ижобий ҳал этилади.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўзини ўзи таъинлаш муқоимасига қўйилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонун лойиҳасида ҳам жамоатчиликнинг тартибини сақлашдаги вазифалари ўз аксинини топади.

— Ушбу қонун лойиҳасида мабуғотда аъло қилинган, у билан таъинлаб чиқилди. Бу ҳужжатда асосан маҳалла комитетлари фаолияти ҳақида гап боради. Қонун лойиҳасида жамоат тартибини сақлашда қўйилган ҳалқ дружиначилари бурч ва вазифалари ҳам қўйилган. Айтиш мумкин, буларди, деган фикрдаман.

Тошкент шаҳар осойишталикни таъминлашда қўйилган ҳалқ дружиначилари ва жамоат тартибини сақлаш жамоатчилик пунктларининг аҳамияти катта. Шу ўринда шаҳар Ҳокимиятининг қарорида кўрсатилганидек «Қўйилган отрядлар ва тартибини сақлаш жамоатчилик пунктлари кенгашириш ишлари ташкил этишга мулкчилик шаклидан қатъий назор қорхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари шахсан жавобгардирлар» деган ибораларни эслатиб ўтишни жоиз, деб биламиз.

Суҳбатдош Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Ёз-ўтмоқда соз ОРОМГОҲДА КЕЧА

ТОШКЕНТ тажриба ишлаб чиқариш корхонаси (ТЭШП)нинг Бўстонлик бағрида жойлашган «Иностратор» соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиллигига бағишланган ажойиб «Нептуни» спорт байрами бўлиб ўтди.

Собир Раҳимов тумани спорт комитети ва оромгоҳ тарбиячилари ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбир дастурларида эртан қаҳрамон спортчиларнинг маҳоратлари намойиш этилди. Суз ҳавзасида пайло бўлган ушунга ақула, баҳайбат жонивор Кин-Кинг томошаларини лол қолдирди. Шунингдек, ўқувчиларнинг сув ҳавзасида кўрсатган турли-туман ўйинлари, аэробика усуллари билан бажарилган бетакор рақслар ҳеч қимми бефарқ қолдирмади.

Ваҳоб ҚАҲҲОРОВ.

Қар тўғрисида ТАРЖИМА АСАРЛАР

ЭНГ қадимий тарихий китоблардан бири Абул Абдулқарим Ибн Сино билан асар «Тузук Темурий» ёки «Мафзуоти Амр Темур» деб аталган китобларнинг таржимасидир.

Унда Амр Темурнинг ёшларидан тортиб то жаҳонгир бўлганга қадар ўтган воқеалар ёзилган, дахшатли жанг манзаралари тасвирланган ва Темурнинг айтган фикрлари баён этилган. Асарни Абу Талиб ах Худайиб ўзбек тилидан форсчага таржима қилган. У ҳикрий 1258 йилда кўчирилган. «Тузук Темурий» китоби 1894 йилда Қозонда рус тилида босилиб чиқди.

Албар АЛИЕВ тайёрлади.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ОЧИҚ БИРИНЧИЛИК

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ республика шахмат-шашна клубида мазкур клубнинг очиб биринчилиги ўтказилмоқда. 110 спортчи қатнашган ушбу мусобақада аяқланган 6 турдан сўнг самарқандлик М. Бобомуродов барча учрашуларда соф ғалабага эришиб янги пешнадамлик қилмоқда. Тошкент вилояти вакили Р. Қатиров, тошкентлик Б. Блодштейн, С. Ковятов, андижонлик Т. Машидов ҳисобида 5 тадан очко бор.

НОГИРОН ДЕМАНГ БИЗНИ...

ТОШКЕНТДАГИ «Меҳнат ўринбосарлари» спорт иншоотида ногирон спортчилар ўртасида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчи чемпионати бўлиб ўтди. «Меҳнат» спорт клуби ва «Спорт» республика ногиронлар жамоаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур мусобақада умумжамоат ҳисобида фарғоналиклар бош соврин соҳиб бўлдилар. Самарқанд вилояти вакиллари иккинчи, пойтахтнинг «Дўстлик» жамоаси учинчи ўринни забт этди.

Чемпионатнинг ёпилиш маросими А. Ҳидоятлов номидаги драма театри биносидеда ўтказилди. Таниқли санъаткорлар Сайда Раҳметова, Элёр Носиров, Муножот Тешабоева, Нарғиза Зокировларнинг қўшиқ ва сахна кўрсатишлари ногирон, фахрий спортчиларга олам-олам қўвонч бағишлади.

Мусобақа ҳомийлари — ҳалқ дипломатияси ташкилотининг «Нур» бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт комитети фахрий спортчилари — оғир атлетика бўйича жаҳон экс-чемпиони В. Мособит, баскетболчи Ф. Салимова, волейбол бўйича Олимпиада чемпиони В. Дуюнова, Л. Павлова, парашют спортчи бўйича олти карра жаҳон чемпиони И. Фасхудинов, футбол устаси С. Будагов, шашка бўйича республиканинг 17 марта чемпиони Ш. Якубов, тош кўтариш бўйича жаҳон биринчиликлари ғолиби А. Четинга ўзлари таъсис этган қимматбаҳо совғаларни топширдилар.



Тақрирланмас аъзаларга эга ўзбек бокс мактаби ўзининг Руфат Ризиев, Владимир Шин каби маҳоратли спортчилари билан оламга доғруғ солиб келган. Аммикамиз, уларнинг издошлари ҳам мустақил юртимиз бағрорини жаҳон спорт тарихида янги бетакорларга айландирар.

Рустам Шарипов сурати.

МАКТАБ СОВРИНДОРЛАРИ

«САЛОМАТЛИК» спорт иншоотининг сузиш ҳавзасида 1978 йилда туғилган ўсмирлар, 1980 йил ва ундан кейин таваллуд топган қизлар ўртасида сузиш бўйича ўтказилган шаҳар шахсий биринчилиги янгуланиди. Олимпиада ўринбосарлари ва шаҳар ҳалқ таълими бўлимига қарашли спорт мактаблари тарбияланувчилари қатнашган мусобақаларда республика терма жамоаси аъзоллигига номзод Евгений Рижов, Надежда Кафтайлова, Саида Искандаровалар ғолиб чиқишди. Ҳар уч совриндор ҳам республика болалар ва ўсмирлар олимпиада ўринбосарлари спорт мактаби вакиллари.

МУНОСИБ ҒАЛАБА

МОСКВАДА регби бўйича ўтказилган Россия оқиш биринчилигидан қўвончи мумжда келди. «Звезда-1» ва «Звезда-2» жамоалари билан қатнашган вакилларимиз регбининг нафақат Европада, балки Осиёда ҳам муносиб икхосмандлар, усталари борлигини исботладилар.

Финал баҳсида майдон эгалари ВВА клубига 3:26 ҳисобида ютқазиб қўйган «Звезда-1» жамоаси кумуш медал соҳиб бўлди.

Бешинчи ўрин учун ўтказилган учрашулда Москванинг «Слава» спорт клубига қарши майдонга тушган «Звезда-2» клуби йигитлари 0:27 ҳисобида мағлубиятга учраб олтинчи ўрин билан кифояландилар.

КУЧЛИ УЧЛИКДА

МАЎЛУМКИ, юртимизда спортнинг елканли ва эшқакли қайси эши турининг ривожланиши учун деярли барча шарт-шароитлар яратилган. Бу эса вакилларимизнинг ҳалқаро майдонда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қила олишлари учун замин бўлиб хизмат қилаётди. Кўни кеча Санкт-Петербургда шаҳрида янгуланиган Европа чемпионатида ёшлар терма жамоамиз кўпкураш баҳсида иштирок этиб бронза медал соҳибдорлари бўлдилар.

Шўҳрат ЗОКИРОВ.

ШАҲРИМИЗНИНГ Халқлар Дўстлиги

Ҳалқлар дўстлиги майдонида салобат насб этиб турган Абулқасим мадрасаси бир неча йиллардан бери халқимизнинг қадимий, айни чоғда гузал касб-корлари бўлиш ҳунармандлар масанга айлганган барчага маълум. Ҳар кун бу ерда ўзбек халқини бутун дунёга танитган, шарофатли номи санъат турлари яратилган. Ёғоч ўймакорлиги усталарининг миллий намуна шайларига барган ҳамадон дарбоза, икки табақали, бир табақали ёшлар, беақдор айлана хонтахта, курси, курсичалар, катта ва кўйжаз нақшидор кўччалар; моҳир кулолларнинг турфун рақсларда сайқал тошган сопол лаган, чойнак-пидеа, касса, гултуван ва турли ўлчамдаги хужчалари; номиқ дид билан яратилган халқимизнинг ноқил асарлари бўлиш миниатюра асарлари; иккисарали ва заргарлик буюмлари ҳам шу ерда ажузда келиб, кинжалар ҳеч бир шубҳа йўқда, ҳайратта солади.

Вобаларимиздан мерос бўлиб келатган бу қадимий, айни чоғда навиқрон санъат турларини ёшларга ўргатиш, мелиамизнинг моҳир ҳунармандларни қилиб етиштириш мақсадида Ўзбекистон халқ ҳунармандчилиги амалий санъат мактаби «Ижод» иккинчи қозонаси бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келатганини ишнинг қувонтиради. Ёшларга сабоқ бераётган «Ижод» кичик корхонаси директори, Ўзбекистон Республикаси Мусаввирлар уюшмаси аъзоси, нақшон Вотив Ғаниевни суҳбатимизга тордик.

— Асосий мақсадимиз келажакда етук ҳунармандлар етиштириб бериш, ўзбек халқининг номиқ халқ амалий санъатини жаҳонга ёйиш қилиб олган, — дейди директор. — Мақсадимиз ўтган йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда сабоқ олаётган 140 нафар талабамиз ҳунармандчиликнинг истаган тури билан шуғулланиб, тўлиқ ўзлаштириб, ўрганиб боради. Ҳозир талабаларимиз учун ташкил


Халқ амалий санъати

ЁШ ҲУНАРМАНДЛАР

вақти бўлса ҳам, кўриб турганингиздек, деярли ярми кенг имкониятлар яратилган устaxonаларда насб ўрганишда давом этмоқдалар. Бу ерда улар тайёрлаётган чиройли кўччаларни, хонтахта, курси, курсичаларни кўриб, қўлингиз қувнади. Энг қизиқ шундаки, улар эркин шаронгда насб ўрганиб, эркин ижод қилмоқдалар.

— Вотив ака, мактабда қандай бўлишлар очилган?

— Аслида мактабда бешта бўлим бўлиб, яъни ёғоч ўймакорлиги, нақшчилик, миниатюра санъати, заргарлик, кулолчиликлардан иборат эди. Бироқ баъзи бир сабаблар туфайли, яъни маблағ



Муассислар: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СОТИЛИШИ ҚАНДАЙ?

— Бундай ноёб, тарқорланмас санъат асарларимизга кўпроқ сайёҳлар қизиқиш билан қарайдилар. Чунки улар бирор рўзғор буюми сифатида эмас, балки бетакор санъат асари, ёдгорлик сифатида сотиб оладилар. Мустақил Ўзбекистон билан қўшма корхона очган баъзи бир қўшма, кичик корхоналар, фирмалар, тижорат дўконлари билан ҳамкорлик қилиш истагиниз ҳам йўқ эмас. Ерлик аҳолининг томонидан ҳам энди-энди буюртмалар тушмоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб, негусидаги режаларимиз ушунли арафасида турибди. Яъни, мебель ишлаб чиқарувчи компаниялар билан рақобатта киришиб, устaxonаларимизда миллий шаклда ҳамда халқимиз шарт-шароитларига тўла мос тушадиган бақувват, чидамли нақшидор стенкалар, диванлар, ётоқxonалар учун мўлжалланган қаравотлар, ёвуз столлари, стуллар, креслолар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Чунки бундай кўрнам ва ҳашаматли жиҳозлар халқимиз руҳини янаям кўтариб, маънавий қувват бағишлайди.

Завр ТУРСУНОВ.

СУРАТДА: Вотив Ғаниев асарлари — ёғоч ўймакорлиги намуналари: бир табақали ва икки табақали эшик.



Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ. Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101. Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кунги ўзбек тилида чиқади. ТЕЛЕФОНЛАР: 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67. Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир. МАНЗИЛҲОҲИМИЗ: 760000, ГСП, Тошкент, Мабуғотчилик кўчаси, 33-уй. Ҳажим — 2 босма тибак. Офсет. Қоғоз бичими А-2. Нашир кўрсаткичи 64690.